

УЎК.(УДК) 6Ф7

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

О.Абдурахмонов (Анд ҚХИ, катта ўқитувчи)

Тез ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари бизнинг кундалик ҳаётимизнинг барча жабҳаларига сезиларли ўзгаришларни олиб кирмоқда. Ҳозирда “ахборот” сотиб олиш, сотиш, бирор бошқа товарга алмаштириш мумкин бўлган махсус товар белгиси сифатида тез-тез ишлатилмоқда. Шу билан бирга ахборотнинг баҳоси кўп ҳолларда унинг ўзи жойлашган ахборот тизимининг баҳосида бир неча юз ва минг баробарга ошиб кетмоқда. Шунинг учун тамомила табиий ҳолда ахборотни унга рухсат этилмаган ҳолда киришдан, қасддан ўзгартиришдан, уни ўғирлашдан, йўқотишдан ва бошқа жиноий характерлардан ҳимоя қилишга кучли зарурат туғилади. Аммо, жамиятнинг автоматлаштиришнинг юқори даражасига интилиши ундан фойдаланиладиган ахборот технологияларининг хавфсизлиги савиясига боғлиқ қилиб қўяди. Ҳақиқатан, ахборот тизимларининг кенг кўламда ишлатилиши доимо ўсиб боровчи ахборот ҳажмини ишлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берсада, бу жараёнларни агрессив таъсирларга нисбатан ожиз қилиб қўяди ва ахборот технологияларидан фойдаланувчилар олдида янги муаммо “ахборот хавфсизлиги” муаммоси кўндаланг бўлди. Хавфсизлик муаммоси, аслида, янги муаммо эмас, чунки хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай тизим учун, унинг мураккаблиги, табиатидан қатъий назар, бирламчи вазифа ҳисобланади. Аммо, ҳимояланувчи объект ахборот тизими бўлса ёки агрессив таъсир воситалари ахборот шаклида бўлганда, ҳимоянинг мутлоқ янги технологияларини ва усулларини яратишга тўғри келади. Маълумотларни ҳимояловчи усуллар ҳамда хакерларга қарши ҳаракат

воситалари мажмуасини белгилаш мақсадида ахборот хавфсизлиги атамаси ишлатила бошланди.

Маълумотларни ишловчи тақсимланган тизимларнинг пайдо бўлиши хавфсизлик масаласига янгича ёндашишнинг шаклланишига олиб келди. Маълумки, бундай тизимларда тармоқлар ва коммуникацион ускуналар фойдаланувчиларнинг терминаллари билан марказий компьютерлар ўртасида маълумотлар алмашишга хизмат килади. Шу сабабли маълумотлар узатиловчи тармоқларни ҳимоялаш зарурати туғилди ва шунинг билан бирга тармоқ хавфсизлиги атамаси пайдо бўлди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг айрим муаммолари қуйидагилардан иборат:

- Фойдаланувчиларни компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги билимларни шакллантириш;
- Ахборотни ҳимоя қилишнинг назарий, амалий ва услубий асосларини бериш;
- Фойдаланувчиларни компьютер тармоқлари ва тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари ва воситаларини қўллашни амалий жиҳатдан ўргатиш;
- Фойдаланувчиларни ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ишлаб чиқарилган турли хил дастурий маҳсулотлардан эркин фойдалана олиш имконини берадиган билимлар билан таъминлаш;

Фойдаланувчининг ҳимоялаш тизимига бўлган ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш ва хавфсизликнинг мавжуд барча хилма-хил чораларидан кераклигини танлашда турли ёндашишлардан фойдаланилади. Бундай ёндашишлардан бири ахборот ҳимоясининг қуйидаги учта жиҳатига асосланган.

Ҳимоянинг бузилишлари. Мижозга тегишли ахборотни сақлаш ва ишлатиш хавфсизлигига зарар келтирувчи ҳар қандай ҳаракатлар.

Ҳимоя механизми. Ҳимоянинг бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш, ҳамда бузилишлар оқибатини йўқотиш механизмлари.

Ҳимоя хизмати. Маълумотларни ишлаш тизимлари ва мижозга тегишли ахборотни ташиш хавфсизлиги савиясини кўтаришга мўлжалланган сервис хизмати.

Ҳимоянинг бузилиши. Компьютер тизими ёки тармоғи ҳимоясини бузишга уринишларни компьютер тизимида ахборотни таъминловчи объект сифатида кўриш орқали классификациялаш мумкин. Умумий ҳолда қандайдир манбадан (масалан, файл ёки хотира қисми) ахборот оқимининг адресатга (масалан, бошқа файл ёки бевосита фойдаланувчи) узатилиши кузатилади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш керак-ки компьютерингиздаги ахборотнинг ишончли сақланиши учун компьютерингизни пароль ва логинини меҳмон фойдаланувчилардан махфийлигини оширинг. Компьютерни турли вируслар юқиб қолишидан сақлаш учун, охириги замонавий, махсус вирусга қарши дастурларни ўрнатинг ва доимий компьютерингизни вирусларга қарши текшириб боринг. Умуман олганда компьютерингиз ва ахборот ҳимоясини бузилишини олдини олиш учун ҳимоя механизмини, хизматини тўғри ташкил қилсангиз ва доимий равишда назорат қилиб борсангиз ахборотингизни хавфсизлик даражасини таъминлаган бўласиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.С.Ғуломов., Б.Бегалов Информатика ва ахборот технологиялари. Тошкент.Фан. 2010.
- 2.Ф.Зокирова ва бошқалар. Информатика ва информацион технологиялар. Алоқачи нашриёти. 2007.
- 3.З.С.Абдуллаев,Г.Шодмонова,С.С.Мирзаев,Н.Б.Шамсиддинов Информатика ва ахборот технологиялари.”Ношир” Тошкент.2012.